



ЎЗБЕКИСТОН ВА БАА ЎРТАСИДА ИННОВАЦИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Кўп қиррали Ўзбекистон-БАА муносабатларини янада кенгайтириш ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари олий даражадаги келишувларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлигида эришилган бугунги даражани юқори баҳолади.

Муҳаммад ал-Гаргавий, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Халифа Ол Наҳаён, Абу-Дабӣ Амирлиги валиаҳди, БАА Қурулғи Қўчалари Олий Бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва БАА Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг салом ва энг зғу тилакларини етказди.

Учрашувда муқобил энергетикани ривожлантириш ва энергетика объектларини модернизация қилиш, замонавий агросаноат кластерларини ташкил этиш, тадбиркорликка оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун инвестиция компанияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар ҳамда қатор муҳим ижтимоий дастурлар изчил амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давлат бошқаруви тизими самардорлигини ошириш ва малакали

мутахассислар тайёрлаш, куни кеча Тошкент шаҳрида очилган Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар акселератори офисининг фаолиятини ташкил этиш борасида биргаликдаги ишларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Вазир Муҳаммад ал-Гаргавий БАА инвесторларининг мамлакатимиздаги фаолиятига қўрсатилаётган ҳар томонлама қўмақ учун, шунингдек, Ўзбекистон Дубай шаҳридаги "Экспо 2021" бутунжаҳон кўргазмасини қўллаб-қувватлаётгани ва унда иштирок этишга тайёрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Амирликлар томони Ўзбекистон Президентининг Оролбўйи минтақасида экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини яратиш ташаббусини амалга ошириш доирасида янги лойиҳавий таклифини тақдим этди.

Учрашув якунида Амирликларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги, узоқ муддатли янгиланишлар дастурини шакллантириш ва инновацион тараққиёт йўлига ўтиш борасидаги илғор тажрибасини кенг жорий қилишга қаратилган қўшма "йўл харитаси"ни қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРМОҚ ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда "Паррандасаноат" уюшмасининг 2021 йил 1 июндан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган паррандачилик хўжалиқларига — ўз хўжалиқларида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 1 000 сўм миқдоридан республика бюджетидан субсидия ажратиш таклифи маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) тижорат банклари томонидан 2025 йил 1 январга қадар қуйидагилар учун ажратилаётган кредит бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан:

омихта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун тижорат банки томонидан ажратиладиган 10 миллиард сўмгача бўлган кредит фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ

8 фоиз пунктдан ортиқ бўлмаган қисми; паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банки томонидан ажратиладиган 10 миллиард сўмгача бўлган кредит фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 8 фоиз пунктдан ортиқ бўлмаган қисми қўллаб берилади;

б) қушхона ва музлаткичларни ўз ичига олган паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплексни (кейинги ўринларда — замонавий комплекс) ишга туширган тадбиркорлик субъектига лойиҳа қиймати 40 миллиард сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизи миқдоридан Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан субсидия берилади.

Бунда, ушбу банднинг "б" кичик бандида белгиланган субсидия тўлови 1-иловага мувофиқ ҳудудларда ташкил этиладиган санитария ва экология талабларига, шу жумладан, ISO 22000 НАССР стандартига жавоб берадиган дастлабки 14 та замонавий комплексга улар ишга туширилгандан сўнг берилади.

3. Мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган компенсация тўловларини қўллаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағ Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берилсин.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

Ўтиш даври – кураш даври. Ҳаётимизни ўзгартириш, дунё бозорида ўрнимизни топиш учун курашимиз, манфаат берадиган ишни қилишимиз керак. Асосий мақсадимиз – оилаларнинг даромадини кўпайтириш. Ўзи меҳнат қилиб, натижага эришган оила баракали бўлади, соғлиғига қарайди, фарзандларини яхши ўқитади. Билимли болалар келажакда ўз йўлини топиб олади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

СУРХОНДАРЁ – ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР ЭПКИНИДА ЯНГИЛАНАЁТГАН ВОҲА

Бу йил мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганнинг ўттиз йиллик байрамини катта тантана, зўр ифтихор билан нишонлаймиз. Шу кунларда халқимиз бу кутлуғ байрамга қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган халқчил ислохотлар олис қишлоқлардаги халқимиз ҳаётига ҳам мазмун олиб киргани, чекка-чекка туманлар ва маҳаллалар файзли масканга айлангани байрам шуқуҳини янада бойитади.

"Янги Ўзбекистон" газетаси жамоаси мустақиллигининг 30 йиллиги олтидан ана шу ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг ёритиш мақсадида вилоятлардаги янгиланишлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида махсус саҳифалар тайёрлашга киришди.

Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи муносабати билан ҳудудлардаги ислохотлар акс этган махсус саҳифаларимиз айнан шу вилоятдан бошланди.



Сурхондарё – катта эл. Танти, жўмард, меҳнаткаш одамлар, мўйсафид тарих, саховатли яйловлар, баланд тоғлар, жўшқин дарёлар, ҳосилдор майдонлар макони. Бу заминнинг ҳар қаричи зар, халқи заргар. Бепоён адирлар узра таралаётган чанқовуз овози, сокин тоғлар бағридан сизиб чиқаётган буюклик қудрати минг йилларки Сурхон аҳлига куч ато этиб келади. Бугун бу замин ўзгача фусун касб этиб, жадал ривожланиш босқичига кирган.

Тоғ ё дашт, шаҳару қишлоқ аҳолиси билан суҳбатлашсангиз, барчасининг тилида бир сўз: ҳаётимиз ўзгарди, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаган янги ислохотлардан розимиз. Илоҳим бу яхшиликлар давомли бўлсин!

Давоми 4–5-бетларда

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРМОҚ ОЗУҚА БАЗАСИНИ
МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетада

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан паррандачилик лойиҳаларини молиялаштириш учун **85 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi маблағ "Микрокредитбанк" АТБга йўналтирилсин. Бунда,

1-босқичда — **50 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi маблағлар 2021 йил 1 июлга қадар, шундан **15 миллион АҚШ доллари** "Микрокредитбанк" АТБнинг устав капиталини ошириш учун;

2-босқичда — **35 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi маблағлар, 1-босқич маблағларининг ишлатилиши самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашининг қарорига асосан йўналтирилади.

Мазкур маблағларнинг **70 миллион АҚШ доллари** эквивалентидagi қисми тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасида кредитлар бериш учун "Микрокредитбанк" АТБга 7 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банк асосий ставкасида 4 фоиз пунктдан паст фоиз ставкада ажратилади.

5. Белгилансинки:

а) "Микрокредитбанк" АТБга йўналтирилган мақсадли маблағлар қўйидагиларни молиялаштириш учун ажратилади:

бугдой, маккажўхори, соя дони ва шрот, кунгабоқар шроти каби озуқа-ем маҳсулотларини энг арзон бўлган йиғим-терим даврларида захира қилиш;

паррандачилик хўжаликлари ва озуқа-ем маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда мавжуд қувватларни тўлқинга тушириш учун **24 ойгача бўлган муддатга** айланма маблағ ажратиш ва модернизация қилиш;

б) "Микрокредитбанк" АТБга йўналтирилган мақсадли маблағлар ҳисобига бошқа тижорат банклари орқали тадбиркорлик

субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳам молиялаштирилиши мумкин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

2021 йил 1 июлдан бошлаб 2024 йил 1 июлга қадар асосий фаолият тури паррандачилик бўлган тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича **фойда солиғи** (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фойзалардан ташқари), **мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдориди қўлланилади;**

2022 йил 1 июлга қадар тухум, парранда гўшти ва маҳсулотларини экспорт қилувчи ҳамда соя донини импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари (уларнинг ваколатли вакиллари)га **автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга** субсидиялар тақдим этилади;

"Паррандасаноат" уюшмасига аъзо корхоналар томонидан хорижий мамлакатлардан паррандачилик соҳаси **эксперт ва мутахассисларини жалб қилиш харажатлари** ҳамда **уларнинг 6 ойлик иш ҳақи миқдорининг 50 фоизи**, бироқ ойига 1 миң АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми қоплаб берилди. Бунда, мазкур харажатлар учун **Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан 5 миллиард сўм йўналтирилади.**

7. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг паррандачилик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилсин.

Белгилансинки, "Паррандасаноат" уюшмаси раиси бир вақтнинг ўзида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг паррандачилик масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда "Паррандасаноат" уюшмаси билан биргаликда **2021 йил якунига қадар 2-иловага** мувофиқ парранда маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажариш чораларини кўрсин.

9. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва бошқа тегишли идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 декабрга қадар** ветеринария-санитария талабларининг халқаро тажрибасига асосан паррандачилик корхоналарини технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқсин ва **2022 йил 1 январдан бошлаб** ташкил этилаётган паррандачилик лойиҳаларининг ушбу меъёрларга риоя қилган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда "Паррандасаноат" уюшмаси бир ой муддатда паррандачилик тармоғига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқсин ва **2022 йил 1 январга қадар** ривожланган хорижий давлатлардаги тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда республикада наслчилик ва омихта ем йўналишида лойиҳалар амалга оширилишини таъминласин.

11. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, 35а-уйда жойлашган Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти хузуридаги собиқ Тошкент транспорт касб-хунар коллежининг бино ва иншоотларини тегишли хуудди (асосий воситалари) билан биргаликда **Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалига** оператив бошқарув ҳуқуқи

асосида бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Томорқа хўжаликларида паррандаларнинг анъанавий ва касалликларга чидамли зот ва турлари парваришини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтига қўйидаги вазифалар юклатилсин:

юқори маҳсулдор хонаки паррандаларнинг репродуктив подаларини шакллантириш; насли тухум инкубациясини йўлга қўйиш ҳамда парранда зотларини синовдан ўтказиш ва тақомиллаштириш; шахсий томорқа хўжаликларида мос, ихчам парваришlash технологиялари ва органик озуқалар турларини яратиш; аҳолида парранда боқиш ва органик маҳсулот етиштириш кўникмаларини шакллантириш.

13. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институтида базавий молиялаштириш шартлари асосида фаолият юритувчи **4 та штат** бирлигидан иборат "**Паррандачилик селекцияси ва технологияси**" бўлимини ташкил этсин.

14. "Паррандасаноат" уюшмаси Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй манзилига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

15. "Ўздонмаҳсулот" АК бошқарув органининг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлан-

тириш давлат қўмитаси хузуридаги Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларини "Ўздонмаҳсулот" АКга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уйда жойлашган бинода бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда етиштирилган ва реализация қилинган парранда гўшти ва тухум учун субсидиялар ажратиш тартибини тасдиқласин.

17. Паррандачиликни ривожлантириш ва паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Норқобилов, молия вазири Т.А.Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 14 июнь

МУНОСАБАТ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР ҚЎЛЛАНИЛАДИ

Шерзод ХИДОЯТОВ,
уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш вазири:

— Мамлакатимизда кўп қаватли уйлар қўриш қўлами йил сайин кенгайиб борапти. Аммо уларнинг бошқаруви, уй-жойларда хизмат кўрсатиш сифати, бу йўналишдаги кадрлар масаласи аҳолини тўлиқ қониқтирмаяпти, деб айтолмаймиз.

Жорий йил 14 июнь куни Президентимиз соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишиш чоғида мутасадди вазирлик ва ҳокимликлар томонидан бошқарув сервис компаниялари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифларни тинглади.

Тақдимотда бу борадаги камчиликлар танқид қилинган бегиз эмас. Боси, биргина Тошкент вилоятида мавжуд 4 938 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатаётган 36 та сервис компанияси ва 369 та ширкатнинг яримдан кўпи оғир аҳволда экани аниқланган. Хизматлар ўз вақтида ва сифатли бўлмагани, замонавий ёндашувлар жорий этилмагани оқибатида истеъмолчилар улардан норози. Тақдимотда лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш, тизимни тўғри ташкил этиб, аҳолига янада қўлайликлар яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Бу борада сифатли кўрсаткичга эришиш бўйича ишлар бошланган. Хусусан, Тошкент вилоятида Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси билан яқин шериклик йўлга қўйилган. Биз Татаристонга бориб, уларнинг тажрибаларини ўрганиб

қайтдик. Қозон ва Алабуга шаҳарларидаги кўп қаватли уйларни бошқараётган компаниялар фаолияти билан танишдик. Бу тизим уларда жуда яхши йўлга қўйилган. Биллинг тизимларида ишлаш учун ўқув марказлари ташкил этилиб, соҳа мутахассислари ўқитилади. Аҳолига қўлай шароитлар яратилиб, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Ана шу тажрибани бизда қўллаш бўйича ҳамкорликка эришдик ва мутахассисларни юртимизга таклиф қилдик. Тошкент шаҳри ва вилоятида йил охиригача аҳоли сезадиган, уларга қўлайлик яратадиган ўзгаришларга эришамиз.

Яна бир муҳим масала — иссиқлик таъминоти. Бизнинг қозонхоналаримиз 1970 йилларда қурилган боис, жуда эскирган. Уларни модернизация қилишимиз зарур. Бу борада ҳам Татаристон тажрибасини ўргандик. Масалан, Қозон шаҳрида "КЭР" холдинга қарашли қозонхоналар газдан фойдаланиб, электр энергияси ишлаб чиқаради, ҳам иссиқлик беради. Шунинг ҳисобига аҳолини арзон иссиқлик таъминоти билан таъминлайди. Электр таъминотида узилиш бўлмайди ва янги технологиялар яратилган. Компанияда кооперация тизими йўлга қўйилган. Улар нафақат Россия ва қўшни давлатлар, ҳатто Европа мамлакатлари билан ишлаш тажрибасига эга. Биз ҳам ана шу ҳолнинг билан ҳамкорликда ишлашга келишиб олдик. Бунда, биринчи навбатда, уй-жойлар бошқаруви тизими замонавийлаштирилади. Бу эса кўп қаватли хонадонларда истиқомат қиладиган аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишга йўл очади.

Абдурахим ХОЖИБОЕВ,
соғлиқни сақлаш вазири:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасига юксак эътибор қаратилляпти. Жумладан, Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, юртимиздаги барча онкология шифохоналаридаги шарт-шароит, даволаш сифати ўрганилган.

Онкологик касалликлар бўйича энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти филиалларига тўғри келган. Яъни уларда барча беморларнинг қарийб 37 фоизи даволанган. Шундан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ва вилояти шифохоналарини ягона муассаса сифатида бирлаштириш таклифи билдирилди. Бунинг натижасида салоҳиятли мутахассислар ва юқори технологик ускуналар бир жойда жамланиб, даволаш сифати оширилади. Беморлар сарсон бўлишининг олди олинади.

Тошкент тиббиёт академияси хуудидида Республика онкология ва радиология тиббиёт марказининг янги биноси барпо этилади. Ундан халқаро талабларга жавоб берадиган 650 ўринли стационар, энг муҳими, замонавий аппаратлар билан жиҳозланган радиотерапия бўлимлари



ўрин олади. Янги марказда позитрон-эмиссион томография, радиоизотоп текширишлар, занжир реакцияли анализаторлар, магнит резонансли томография, ангиография учун замонавий ускуналар ўрнатилди. Иммунотерапия, таргет терапия, чизикли тезлаткич ёрдамида ва стереотоксик нури терапия, радиохирургия каби янги даволаш услублари жорий этилади. Биз бир гуруҳ мутахассислар билан бирга Жанубий Кореянинг қатор тиббиёт муассасалари, онкология марказларини кўриб келдик. Уйлайманки, ортирган тажрибамиз Республика онкология ва радиология тиббиёт марказининг янги биносини ишга туширишда асқотади.

Президентимиз хузурида ўтказилган тақдимотда тиббиётдаги энг муаммолли масалалардан бири кўтарилди. Бу гематология соҳасида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш билан боғлиқ. Бунинг учун давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан иккита янги қурилган бино гематология хизмати ихтиёрига фойдаланиш учун топширилди. Тақдимот асосида қисқа вақтда, бир-бир ярим ойда у ерга Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидаги беморларни кўчириш масаласи муҳокама қилинди. Мулоқот давомида Президентимиз у ерда ишлаётган тиббиёт ходимлари — раҳбардан тортиб хўжалик бекасигача

— янги шароитда ишлашга ўргатилган ва муносиб мутахассислар бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Ҳозир республика миқёсидаги ва ҳудудий ихтисослашган кўплаб марказларда беморларнинг даволаниши учун ордер бериш тизими мавжуд. Афсуски, бу борада коррупция ҳолатлари кузатиляпти. Шу боис, давлатимиз раҳбари айна вақтгача амал қилган ордер тизимдан мутлақо воз кечиб, янги, замонавий навбат тизимини жорий этиш бўйича қатъий топшириқ берди. Бу жараёнда инсон омилдан буткул воз кечилиб, электрон навбат тизими жорий этилади. Ҳеч қандай коррупцияга ўрин қолмайди. Беморлар учун белгиланган вақтда шифохонада ётиб даволаниш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, тақдимотда гематология ва онкология шифохоналарини дори-дармон билан тўлиқ таъминлаш ҳақида ҳам сўз юритилди. Бунинг учун давлат бюджетидан қўшимча 65 миллиард сўм ажратилади. Энди Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика онкология ва радиология тиббиёт марказининг янги бинога ўтказиладиган беморлар давлат томонидан дори-дармон билан тўлиқ таъминланади.

Биз, тиббиёт ходимлари тақдимотда белгиланган вазифаларни худди Президентимиз айтганидек бажаришни зиммамизга олдик ва буни масъулият билан адо этамиз.

ТАШАББУС — 2021

ҒОЛИБЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Саноат, хизмат кўрсатиш, фермер хўжалиги, хунармандчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодийнинг локомотив тармоқлари сифатида ривожланмоқда. Ана шу соҳаларда фаолиятини бошлаган кўплаб инсонлар бугун катта муваффақиятларга эришяпти. Ўз ташаббуси, билим ва интилиши билан мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиб, ўнлаб, юзлаб кишиларни иш билан таъминламоқда. Ана шундай ҳамюртларимиз орасида энг илғор, бошқаларга намуна бўлаётган тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг бир гуруҳи анъанавий “Ташаббус” кўрик-танлови ғолибига айланиб, Президент совғаси — энгил автомашиналар билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ўтказилган байрамона тақдирлаш маросимида масъул идора ва ташкилотлар раҳбарлари, танлов қатнашчилари ҳамда меҳмонлар иштирок этди. Қалблардаги ҳаяжонга монанд янграган куй-қўшиқлар, санъаткорлар-

оилавий бизнес соҳибни, йилнинг энг яхши маҳсулоти сингари бир қатор номинациялар бўйича совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Навбат асосий номинацияларга келди.
— Жорий йилги кўрик-танловнинг



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.



нинг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.
Тадбир аввалида энг яхши стартап, энг яхши инвестиция лойиҳалари, энг намунали солиқ тўловчи, энг яхши

республика босқичига етиб келган 69 нафар иштирокчи орасидан ғолибларни танлаш осон бўлмади, — деди Савдо-саноат палатаси раиси Аҳмад Икромов. — Уларнинг ҳар бири ўз йўна-

лишида катта муваффақиятларга эришяётган ташаббускорлардир.

Танловнинг — “Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши фермери”, “Йилнинг энг яхши хунарманди” номинациялари бўйича ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди. 2- ва 3-урин соҳиблари пул мукофоти, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Навбат биринчи ўрин ғолибларини аниқлаш ва бош мукофот — Президент совғасини топширишга етди. Биринкетин саҳна марказида ғолиблар номи жаранглай бошлади. Саноат йўналишида Жиззах вилоятидаги “Anasoy Gold Tex” МЧЖ раҳбари Мирзо Файзуллаев, хизмат кўрсатиш йўналишида Тошкент вилояти “Turon Resort and SPA” МЧЖ

раҳбари Саидазим Юнусхўжаев, ёш тадбиркор йўналишида Самарқанд вилояти “Urgut sanoat servis” оилавий корхонаси раҳбари Фазлиддин Салимов, хунармандчилик йўналишида фарғоналик Иброҳим Султонов, фермерлик йўналишида эса Андижон вилояти “Obod Turmush Orguzi” фермер хўжалиги раҳбари Хусниддин Каримов, ғолиб деб топилди.

Шунингдек, тадбир ташкилотчиларининг ташаббуси билан юртимизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қўшаётган ҳиссаси инobatга олинди, Навоий вилояти “Янги аср” фермер хўжалиги раҳбари Жобир Теммиров ҳам ғолибликка муносиб қўрилди.

— Бу соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлсам-да, ҳар куни янгиланишларни ўрганиб боришга ҳаракат қиламан, — дейди у. — Фаолиятимиз йилдан-

йилга кенгайиб борапти. Хўжалигимизда 1 минг 500 та қорамол бор. Заводимизда ҳар куни 40 тонна сут қайта ишланади. 10 минг гектар ерда чорва моллари учун озуқа етиштиришни мақсад қилганмиз. Бугунги ғолиблик фермер хўжалигимизда меҳнат қилаётган 200 дан зиёд инсоннинг меҳнатлари самараси, Навоий вилояти аҳолисига берилган мукофот, деб биламан.

— Мен учун қутилмаган воқеа бўлди, очиги, жуда ҳаяжондаман, — дейди “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори” номинацияси ғолиби Фазлиддин Салимов. — 22 ёшлик йигит учун бу катта ишонч, эътироф, деб биламан. Биз ёшларга кўрсатаётган гамжўрликларини учун давлатимиз раҳбаридан миннатдорман. Тадбиркорлик фаолиятимни 2017 йилда эркаклар кийимлари ишлаб чиқарадиган цех ташкил этишдан бошлаганман. Аввалига осон бўлмади. Лекин ҳара-

катдан тўхтамадим. Яратганга шўқр, у кунлар ортда қолди. Бугун “Urgut sanoat servis” оилавий корхонамизда 80 нафар киши ишлайди. Маҳсулотларимиз Россия, Қозғоғистон, Украина каби давлатларга экспорт қилиняпти. Келгусида Европа бозорларига чиқиб, хориждаги савдо нуқталарига маҳсулот етказиб беришни ният қилганман.

Жорий йилги “Ташаббус” кўрик-танлови янгиликларга бой бўлди. 5 та йўналишдан ташқари “Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли” номинацияси ғолиби ҳам аниқланди. Ушбу мукофотга қорақалпоғистонлик Амина Бежканова лойқ топилди. У раҳбарлик қилаётган “Мойнак тур” туристик компанияси Орол денгизига келаётган сайёҳларга турли хизматлар кўрсатиб келмоқда. Корхонада 25 та ишчи ўрни яратилган.

— Президентимиз томонидан 2017 йилда Мўйноққа эътибор ошғач, фирмамиз янада гуллаб-яшнади, — дейди танлов ғолибаси. — 33 минг аҳолига эга Мўйноқ тумани зиёратгоҳлар, маданий обидаларга бой. Бу ерга бир йилда 15 мингдан ортиқ сайёҳ келади. Компаниямиз уларга ўз хизматларини таклиф этади. Ана шу меҳнатларим билан эътироф этилганидан хурсандман. Ҳаяжонимни тасвирлашга сўз топпайман. Биздек тадбиркорларни кўплаб-қувватлагани учун давлатимиз раҳбаридан миннатдорман.

Шундай қилиб, “Ташаббус — 2021” кўрик-танловининг 7 нафар 1-урин ғолибларига диплом, эсдалик совғалари ҳамда Президент соврини — “Нексия” автомобиллари тантанали равишда топширилди. Ҳаяжонли дақиқаларга гувоҳ бўлган барча иштирокчилар уларни кўтлаб, янги мақсадлар йўлидаги фаолиятларига зафарлар тилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАВЕРСИН!

Улбўсин АБДУМАЛИКОВА,
“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази директори маслаҳатчиси



Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Тожикистоннинг юксак мукофоти — I даражали “Зарринтож” ордени билан мукофотланганини телевизор орқали кўриб, беихтиёр илиқ хотиралар ёдимга тушди...
Дарҳақиқат, Тожикистон билан яқин қўшимиз, халқларимизнинг еригу суви, дини бир, тарихи ва тақдири, ташвишу шодликлари муштарак. Хатто ўзбек тилига муносабатлари ҳам. Бунга ўзим гувоҳман.

Биз ролпа-роса 45 кун Душанбе шаҳрида амалиёт ўтадик, ўша пайтда сокин ва сўлимгина бўлган ушбу маскани бир умрга севиб қолдик. Тахририят иккинчи уйимизга, жамоа аъзолари эса яқин инсонларимизга айланди. Биз шу ерда журналистикага ҳақиқий меҳр кўйдик. Узимизга ишончимиз ортди. Жамоанинг кўллаб-қувватлаши тўғрисида ҳақиқат билан муносабатларимиз ҳам таъсирчан чиқди шекилли, уларнинг барчаси республика газетасида чоп этилди. Шу ерда биринчи маошимизни олдик, шу ерда журналистика соҳасини танлаб, тўғри қилганимизга инондик, Ҳожи Содиқ домла, таниқли шоир Улмас Жамол (шу тахририятда ишлар экан) ва бошқа кўплаб аjoyиб, оддий инсонлар, журналистлар билан танишдик, касбимиз сирларини, ҳар битта сўзни ўз ўрнида ишлатиш ва тилга нисбатан масъулият билан ёндашишни ўргандик, қаламимиз чарчланди, тафаккуримиз тиниқлашди, меҳнатимиз самарасини кўрдик, икки халқ ўртасидаги чексиз

ҳурмат-эътибор, самимиятга ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Амалиёт тугагач, бизни Ҳожи Содиқ домланинг яна ўзи қабул қилиб, камтарона меҳнатимизга юқори баҳо берди ва журналистиканинг ҳам шарафли, ҳам машаққатли касб экани, бу соҳада фақат муносиблар ишлаши кераклиги, касбни доимо эъзозлаш ва, энг муҳими, журналистнинг қуроли бўлмиш она тили, хусусан, ўзбек тилига нисбатан чуқур ҳурмат-эътиром туйғусини шакллантиришимиз кераклиги ҳақида оталарча насиҳат қилди.

Биз икки дугона Душанбега ўзимизга ишониб-ишонмай, ҳаваскор қаламкашлар сифатида борган эдик, Тошкентга ҳақиқий журналист бўлиш ва халқимизга шу соҳада хизмат қилишдек эзгу ният билан қайтдик. Тожики халқининг биз ўзбекларга муносабати, газета тахририятидаги аjoyиб жўшқин муҳит ва таниқли журналистлар — сўз заргарларининг ибрати, душанбеликларнинг ўзбекларга, ўзбек тилига муносабати биз учун катта ҳаётга ишончли йўлланма берди. Душанбедаги амалиётимизни ҳали-ҳануз фахр-ифтихор ва илиқ бир самимият билан эслаймиз.

Президентимизнинг Тожикистонга расмий таширият кунлари Ўзбекистон—Тожикистон муносабатлари янги рўхта янада ривожланаверсин, дедим ўзимча. Энг муҳими, ҳар икки давлат раҳбарларининг барча саъй-ҳаракатлари ва амалий ишлари халқларимизнинг манфаати, меҳр-оқибатли бўлиш, тинч-тотув яшашидек азалий орузи ва самимий интилишларига тўлиқ мос келади.

КўНГИЛДАГИ ГАПЛАР

МЕН ДАВЛАТИМИЗНИНГ ЭЪТИБОРИ ВА ҒАМХЎРЛИГИГА ТАЯНДИМ

Зухра ЭГАМБЕРДИЕВА
Ғузур туманидаги “Обод” маҳалласи

Оиласи тинч, турмуши обод, фарзандлари соғлом улғаяётган, севган касби ёки хунари билан шугулланиб оилада, жамиятда ўз ўрнини топган ҳар бир аёл, назаримда, бахтлиман, деб бемалол айта олади.

Аммо тақдир ҳаммани ҳам шундай неъматлар билан сийлайвермайди. Мен ҳам орузлари осмон бир қиз эдим. Катта оилада вояга етдим. Отам ҳайдовчи, онам 10 фарзанднинг ташвишу қувончи билан андармон, ҳаётини бизга бағишлаган мушфик бир аёл эди. Улар оламдан ўтиб кетишди. Бутунлигим, бунёдлимим ота-онам бағрида яшаган кунларимда экан.

Турмушга чиққач, бун янада чуқурроқ хис қилдим. Тақдир экан, иккинчи фарзандим туғилганидан сўнг турмуш ўртоғим билан ажрашдик. Ушанда фарзандларим 2-4 ёш атрофида эди. Бунга ҳам, мана, 18 йил бўлибди. Ҳозир катта ўғлим Равшанбек 21 ёшда. Қанотимга кириб қолган. Кичиги Асилбек 19 ёшда, у ногирон. Оёқ-қўли ишламайди. Ўғлимни давлатиши учун жуда катта маблаг керак. Бунга қурбим етмас, моддий қийинчиликлар ўзимнинг фарзандларимнинг ҳаёти, саломатлиги, руҳиятида из қолдираётганиди.

Тақдир синовларини енгиб ўтиш, икки фарзандни тарбиялаш, бировдан кам қилмаслик учун меҳнат билан дўст тутиндим. Гоҳо пахта тердим, баъзан ошхонада идиш ювдим. Аммо топганим урвоқ ҳам бўлмади. Шундан сўнг 2013 йилда хорижда ишлагани кетдим. Четда ишлашни ҳеч ким оруз ҳам, ҳавас ҳам қилмасин. Чунки ҳеч қаер ватанинга етмайди. Ҳама ўзга юрда мажбурликдан ишлайди. Мусофирликнинг азоби яширин бўлади, дейишди. Оиламдан узоқда уйни, фарзандларимни соғинмаган куним, соатим бўлмади. Аммо бир она сифатида уларни бекаму кўст катта қилишга бурчлиман.

Чет элда юганимда фарзандларимга янгам қарарди. Болалар айни эътиборга, меҳрга муҳтож пайтида уларнинг ёнида эмаслигимдан ўкинардим. Айниқса, алоҳида парваришга муҳтож Асилбекнинг аҳоли қандай экан, деган ўй хаёлимдан кетмасди. Ҳамманинг ўз ҳаёти, ўзига яраша муаммо ва ташвишлари бор. Ногирон фарзанд парвариши баъзан онанинг ўзига мушкуллик туғдиради, унга бошқа инсон қандай қарай олсин?

Шу тариқа йиллар ўтди. Топган пулим бетоб ўғлимни давлатиши ва анча таъмирталаб бўлиб қолган уйимни эжагага келтиришга сарфланди. Шу йил ўғлимнинг аҳоли ёмонлашди. Мен “тар шунча сарсон-саргардончилик, юртга, оилам, фарзандларим ёнига қайтишим зарур”, деган хулосага келдим. Уйга қайтган, биринчи қилган ишим бемор боламни давлатиши бўлди. Ўғлимнинг аҳоли ҳозир анча яхши.

Мана, қайтганимга ҳам 5 ойга яқин вақт бўлди. Юрда катта ўзгаришлар, янгиликларни кўриб, кўнглим хотиржам бўлади. Маҳаллалар обод бўляпти. Ҳокимият вакиллари хонадонма-хонадон кириб, аҳолидан хабар олиб турибди. Боқувчисиз оилаларга ёрдам қилинмоқда. Ҳеч ким қаровсиз, эътиборсиз қолмаяпти.

Эътибор инсонни ҳаётга бўлган қизиқишини оширади, яхши яшашга, мақсад сари ундайди. Айниқса, юқори ташкилотлар раҳбарларининг олдингизга келиб, ҳол-аҳвол сўраши кўнглингизни кўтараркан. Ҳокимият вакиллари эшик қоқиб уйга келишганида: “Мен ҳам шу юртга керак эканман-да”, деган ўй ўтди хаёлимдан. Шароитимни ўрганишгач, “Темир дастур”га киритишди. Кредит олишимга кўмак беришди. Банкдан олган 20 миллион кредитга ўзим йиққан сармомияни қўшиб, тадбиркорликни бошладим. Маҳалламиздаги икки қиз менга кўмақдош бўлди. Музлаткич, газ плита харид қилдим. Қатлама патир, турли ширинликлар тайёрлаб, сотувга чиқардим.

Эрта тонгда кўёш заррин нурларини ёйишга улгурмаган бир пайтда иссиқ қатлама патир ва ширинликларни бозорга, маҳалламиз яқинида қад ростлаган катта-катта дўконларга олиб чиқаман. Маҳсулотимиз тез орада барчага манзур бўлиб, даромад келтира бошлади.

Туманимиздаги озиқ-овқат дўконларининг кўпи биз тайёрлайдиган маҳсулотларга қизиқмоқда. Шу сабаб келгусида ишимни кенгайтириб, фарзандларим орузини рўёбга чиқармоқчиман. Айниқса, ногирон боламни саёхатга олиб чиқсам, унга Самарқанд Бухоронинг диққатга сазовор жойларини кўрсатам, дейман.

Авалроқ “ўзга юрда ишлаб, тўплаган озгина маблағим ҳам сарфланиб борапти, энди бугунга қандай ашайман”, деган оғир ўй елкамдан босиб турарди. Бугун ҳаммаси ўзгарди. Бунга давлатимиз томонидан яратилган шароит ва имкониятлар сабаб бўлди. Инсонга ақл ва ирода билан бирга ишонч ва эътибор ҳам зарур экан. Мен ана шу эътибордан ўсдим, шу яхшиликка таяндим. Юртимиздаги ўзгаришларни кўриб қаддимни тиклашим, молжавий аҳолимини унглашим лозимлигини англадим ва фарзандларим бағримда, муносиб ҳаёт кечиршим мумкинлигини хис қилдим.



СУРХОНДАРЁ

Унутилмас кун: маҳаллага Президент келди

Сурхондарё мисолида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича хонадон эгаси — тайёрловчи корхона — қайта ишловчи ва экспортёрларни боғловчи янги яхлит тизим яратамиз. Бунинг учун унумдорлиги паст, ғалладан бўшайдиган майдонлардан томорқа ер эгаларига сабзавот-полииз маҳсулотлари етиштириш учун ўртача 15-20 сотихдан 10 йил муддатгача ижарага ер беришнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилади. Ушбу ажратилган ерларда етиштирилаётган маҳсулотларга мева-сабзавот ва томорқа кластерлари буюртма беради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ҳаётимиз кун сайин яхшиланмоқда



Илҳом САФАРОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Президентимиз раҳбарлигида мамлакатда катта ўзгаришлар тулкини бошланганидан буён вилоятимиз манзараси ҳам тубдан янгиланди. Бунга мисоллар кўп. Биргина чекка туманлардаги маҳаллалар қиёфасини олайлик. Маҳаллаларимиз то маънода бунёдкорлик майдони, фаровонлик манзили сифатида буй кўрсатди.

Вилоят раҳбарларидан тортиб, туман ҳокимлари, маҳалла раислари, сектор мудирилари, ҳаммаси ҳаракат қилган. Одамлар билан мулоқот тарзи ўзгарди. Бугун раҳбарлар халқ ичига кирди. Аҳолининг дарду ташвишини сезяпти. Муаммолар бирма-бир ҳал бўляпти.

Шунга монанд одамларимизда ҳам яхши яшашга бўлган интилиш кучайган. Томорқадан унумли фойдаланиш ҳадисини олди. Тадбиркор оилалар сони бундан уч-тўрт йил аввалгига нисбатан 30-40 фоизга ортди.

Вилоятда камбағал оилалар сони кескин камайди. Бунинг оддий омилли сифатида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган тадбиркорлик ҳаракатини келтиришимиз мумкин. Халқимиз меҳнатқаш. Шароит, имконият ва имтиёз бўлса, улардан уздабурон одам топилмайди. Шундай ҳам бўляпти.

Президентимиз халқчил сиёсатини илгари сурди. Одамларга ер берилляпти, томорқадан фойдаланиш, кичик ва оилавий бизнесни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Хотин-қизларга яратилган шароитлар ҳам тахсинга лойиқ. Пировардида, ҳамма фаоллашган.

Сурхон воҳаси бугун улкан бунёдкорлик, ободонлик кўрғонига айланган. Бу жараёнда вилоят ёшларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Бугун Сурхондарёда 611 мингдан зиёд 18-30 ёшли йигит-қизлар истиқомат қилади. Уларнинг ҳам ҳаётида муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди.

Бир вақтлар воҳа йигитларининг жуда кўпчилиги чет элларга ишлаш учун кетар эди. Чунки қишлоқда иш ўринлари йўқ, бори ҳам доимий эмасди. Бугун бу манзара ҳам тубдан ўзгарди. Олис қишлоқларда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлди. Уларда қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. Даромади ҳам яхши. Четга чиқиб ишлашга ҳожат йўқ. Шу боис, қишлоқларда бугун ёшлар сони анча кўпайган. Улар айни навқирон, шижоатли даврини юртимиз тараққиёти, маҳалласи, оиласи ободлиги йўлида ўтказмоқда.

Ўтган даврда "Ёшлар дафтари"га кирган йигит-қизларни ишга қилиш, касб-хунарга ўқитиш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 7 мингдан зиёд йигит-қизга имтиёзли кредит ажратилди. Бугун улар ўз бизнесини йўлга қўйган. Ташкилотлардаги бўш иш

ўринлари ҳисобидан 5 300 дан зиёд, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали 800 га яқин ёшлар доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, 1+1 дастури асосида тадбиркор ва хунарамандларга 6 мингга яқин йигит-қиз бириктирилиб, улар тажрибали устозлардан касб-хунара ва бизнес сирларини ўрганмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган ёшларга ер ажратиб бериш сиёсати ҳам ўзини оқлатмоқда. Шу асосда йил бошидан буён 11 мингдан зиёд ёшга 3 минг 132 гектар ер майдони ажратилди. Бу кўрсаткич йил якунига қадар янада кўпаяди. Натжидада, ёшлар ер билан тиллашиб, ҳам оиласини, ҳам маҳалладашларини даромад билан таъминляпти.

Аҳолини, хусусан, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборимизда. Ўтган тўрт йилда минглаб уй-жойга муҳтож, кам таъминланган оилалар бошланган бўлди. Бу йил ҳам Сурхондарёда 3 минг 500 квартиралар кўп қаватли уйлар қурилиши, 1 минг 460 оиллага ипотека учун субсидия берилиши режалаштирилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 1-2 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи билан воҳада янги ислохотлар даври бошланди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, вилоятда ижтимоий, коммуникация ва йўл инфратузилмасини ривожлантиришга 2021 йил учун қўшимча 200 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилишининг ўзи ҳам фикримиз далилидир.

Эндиликда вилоятни комплекс ривожлантириш, "маҳаллабай" тизимда аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича ишлар бошланади.

Тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳам янги тизим ишга тушади. Хусусан, давлатимиз раҳбари Бандихон, Қизирик, Музработ ва Шеробод туманлари ривожига туртки бериш мақсадида янгидан ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини ер, мол-мулк, кичик корхона айланмасидан олинадиган солиқлар, яқна тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғидан 2024 йил 1 январга қадар озод қилиш бўйича аниқ топшириқ берди.

Шунингдек, вилоятда 2021-2022 йилларда умумий қиймати 16 триллион 800 миллиард сўм бўлган 1 минг 177 та ҳудудий инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши қайд этилди. Уларнинг натижасида 25 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган.

Президентимиз вилоятда маҳаллий саноат корхоналари билан жиддий шуғулланиш бўйича ҳам бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди. Унга кўра, импорт ўрнини босувчи ижтимоий-маиший товарлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий саноат корхоналарини мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган хомашё ва ярим фабрикатларни импорт қилишда 2026 йил 1 июлгача божхона тўловларидан озод қилиш, вилоятда саноат соҳаларини жадал ривожлантириш учун махсус Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

Томорқадан оқилона фойдаланиш бўйича ҳам янги тизим яратилади. Бу йил вилоятда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури доирасидаги ишлар ҳам жадал давом этади. Жорий йилда 483 та қишлоқ ва маҳаллада ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган. Бунинг учун 1,6 триллион сўм маблағ ажратилган.

Президентимиз вилоятнинг миллий кадриятларини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Хонадонларда қорабайир отлар, дўппилар, думбира бўлиши ўзгача файз бериши айтилди. Сурхондарёда чавандозлик мактабини ташкил этиш топшириғи берилди. Келгуси йил йилқичлик, дўмбира, дўппи каби миллий кадриятларимиз бўйича Наврўз сайли Сурхондарё вилоятда бўлишини таъкидлади.

Умуман айтганда, давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифидан барчамиз, айниқса, фуқароларимиз жуда катта руҳий қувват олди. Бу олдимиздаги аниқ мақсад ва режаларни йил давомида амалга ошириш учун мотивация бериши, шубҳасиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудларга ташрифи давомида маҳаллалар, хонадонларга кириб, аҳоли билан суҳбатлашди, уларнинг муаммоларини эшитиши ва ҳал қилиши эзгу одат тусига кириб бормоқда. Бу каби учрашувлар аҳолига эър мотивация бераётгани аниқ. Юксак эътибордан қувонган одамлар ҳаёти, шубҳасиз, ўзгармоқда, бугунги кунга ишонч ҳисси ортмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилояти Шеробод туманига ташрифи ҳам туман аҳли, кексаю ёшнинг хотирасида бир умрга муҳрланди, десак муболага эмас. Боиси буни биз эмас, Президент билан суҳбатлашган одамлар эътироф этмоқда.

Гулноза БҮРОНОВА,
"Каттабоғ" МФЙ раиси ўринбосари:



— Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида бизнинг маҳалламизга ҳам келди. Бу маҳалламиздаги ҳар бир кексаю ёшнинг ҳаётида унутилмас кун бўлди.



Оқоқолимиз Абдурахмон Каримов хонадонда бўлиб, маҳалламиз аҳли билан суҳбатлашди. Уша даврада бўлиш бахти менга ҳам насиб этди.

Маҳалламизда 5 мингга яқин аҳоли яшайди. Аҳолининг 90 фоизи боғдорчилик ва чорвачилик билан машғул. Бўш ер йўқ ҳисоби. Ернинг ҳар қаричидан самарали фойдаланамиз. Ҳовлимиз 15 сотих. Унинг бир қисмига 80 тул азор, 15 тул атлас навли олма экканмиз. Икки сотих ерда эса иссиқхона ташкил қилдик. Ишдан бўш пайтларим турмуш ўртоғимга ёрдам бераман. Меҳнатимизга яраша даромад қилаямиз. Масалан, яқинда атлас олмамиздан олган фойдамизга қизимизнинг контракт пулини тўладик.

Президентимиз билан суҳбатимизда мана шу гапларни айтдим. Бу билан нима демоқчи эдим? Мен маҳалла фаоли сифатида фуқароларга ўрнатилган бўлишим керак. Эътибор берсангиз, Шавкат Мирзиёев

ташаббуси билан мамлакатимизда аҳолининг ердан унумли фойдаланиши, тадбиркорлик қилиши учун шароит яратиб берилмоқда. Кредит олиб, тадбиркорликни йўлга қўйиши учун имконият яратилган. Бундан фойдаланмасак, ташқаридан биров келиб ҳаётимизни изга солиб бермайди.

Маҳалламизда кам таъминланган ёки "Темир дафтар"га кирган оилалар, уй-жойга муҳтож аҳоли йўқ ҳисоби. Сабаби бизда фойдаланиш учун ер бор. Аҳолида энг кам ер 6 сотихдан иборат. Меҳр бериб, ернинг тилини тояпмиз. Кўнгилни хотиржам қиладиган яна бир маълумот шуки, 2020-2021 йилда маҳалламизда жиноят ёки ажралиш каби салбий ҳолатлар бўлмади.

Президентимиз маҳалламиздаги муҳитни эшитиб, хурсанд бўлди. Вилоятда бўлган йиғилишда маҳалла фаоли сифатида мени бошқаларга ўрнат қўрсатганидан, табиийки, жуда гурурландим.

Абдурахмон КАРИМОВ,
"Каттабоғ" МФЙ фуқароси:

— Президентимизнинг вилоятларга борганида хонадонларга кириб аҳоли билан суҳбатлашганини телевизорда кўриб, ҳавасим келарди. "Қанидди, бизникига ҳам Президент келса", деган ният билан юрардим.

Вилоятимизга давлат раҳбарининг ташрифи барча сурхондарёликлар қатори бизни ҳам қувонтирди. Бироқ уйимизга ҳам келади, деган уй, тасаввур йўқ эди. Кутилмаган ташрифдан, тўғриси, нима қилишимни, нима дейишимни билмай қолдим. Олтимиз беш ёшга тўлдим. Хонадонимга давлат раҳбарининг келишидан шў ёшимда ёш боладай қувондим, рости. Бу умримдаги энг қувончли кунлардан бири бўлди. Ташриф билан бирга бизга обрў-эътибор, иззат келди. Дилдан гурунглашдик.



Гулнора СҮЮНОВА,
"Каттабоғ" МФЙ фуқароси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев хонадонимизга ташриф буюрганида, тўғриси кўзларимга ишонмадим. Худди туш кўраётганга ўхшардим. Фарзандларимни кутариб, барига босанганидаги қувончимни сўз билан таърифлаб беролмайман.

Кайнотам — Абдурахмон Каримовнинг анорчилик борасидаги меҳнатини юқори баҳолади. Дадамиз ўша кундан буён анча ёшга яшарди.

Шавкат Мирзиёев фарзандларимга олий маълумотли, билимли бўлиш учун ҳаракат қилишини таъинлади. Бу уларнинг жажжи қалбида келажақда эл қорига ярайдиган инсон бўлиш керак, деган эътиқодни мустаҳкамлайди, деб ишонаман.

Эсимни танибманки, ҳам давлат ишида ишладим, ҳам томорқага меҳр бердим. Оладиган мошимга томорқадан келадиган даромад қўшилиб, шу орқали олти фарзандни тарбиялаб, элга қўшдик.

Айни пайтда 25 сотих ерда 350 тул азор қўчатишим бор. Ўтган мавсум салкам 70 миллион сўм даромад олдик. Анорнинг идизидан тортиб, гулгача қони фойда. Бироз эътибор қилсангиз, шимил-шимил мева солади. Ҳар йили шакл берамиз, бутаймиз. Қишда бир, гулга кирганда бир дориларимиз, ўғит солаемиз. Тажрибада гап кўп экан-да. Анорнинг барига қараб, унга ўғит керакми, йўқми — биламан. Умрим давомида 3 марта қўчатларни совуқ олдиридик. Бундай вазиятда қўчатлар ўша йили мева бермайди. Келаси йили камроқ ҳосил бўлади.

Халол меҳнатга яраша яшапмиз. Уй қурдик, тўйлар қилляпти. Хонадонимизга Президентимизнинг келиши ҳам ана шу меҳнатимиз орти-



дан. Энг қувончлиси, давлатимиз раҳбари меҳнатимизни эътироф қилиб, мени давлат муқофотига тавсия қилди. Бундан бошим кўкка етди. Ҳаммаси учун раҳмат.



Рухшона АБДУРАЗЗОҚОВА,
Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори:

— Давлатимиз раҳбарининг хонадонимизга ташриф буюриши оиламиз учун қувончли ҳодиса бўлди. Оталарча меҳр билан ижодим, эришган ютуқларим, бугун амалга ошираётган фаолиятимни қўллаб-қувватлаши Ва-танга, халқимизга бўлган муҳаббатимни ошдири. Хонадонимиз билан танишар экан, хонамдаги мўъжаз кутубхона у кишининг эътиборини тортиди. Китоб мутлоаси энг сеvimли машғулотим эканини эшитган, хурсанд бўлди.

Сурхондарё вилоятининг миллий кадрияти — чанқовуз. Мен Президентимизга чанқовузга куй ижро қилиб бердим. Биз билан бир стол атрафида ўтирдик, самимий суҳбатлашдик. Бу барчамиз учун бир умр эсда қоларли суҳбат бўлди. Келажақдаги режаларим ҳақида гапирдим.

Давлатимиз раҳбари "Президент фонди"дан Рухшонага Spark автомашинаси совға қилинади" деганида жуда қувониб кетдим. Мамлакатимизда ҳар бир ёшга мана шундай эътибор қаратилаётганини ҳар қадамда кўряпмиз, Президент меҳрини ҳис қилляпти. Ана шундай ёшлар қаторида менга ҳам юксак эътибор қаратилгани зиммамга улкан масъулият қўлайди. 2020 йилда Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори бўлдим. Ушунда ҳам шахсан Президент қўлдан муқофотини олгандим. Хонадонимиздаги самимий суҳбат эса мени янада руҳлантирди. Энди "Тенгдош тенгдошга" тамойили асосида истеъодларни кашф этишга, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришга ўз ҳиссамни қўшаман. Бунинг учун астойдил ҳаракат қиламан.



Рухшона АБДУРАЗЗОҚОВА,
Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори:

Давлатимиз раҳбари "Президент фонди"дан Рухшонага Spark автомашинаси совға қилинади" деганида жуда қувониб кетдим. Мамлакатимизда ҳар бир ёшга мана шундай эътибор қаратилаётганини ҳар қадамда кўряпмиз, Президент меҳрини ҳис қилляпти. Ана шундай ёшлар қаторида менга ҳам юксак эътибор қаратилгани зиммамга улкан масъулият қўлайди. 2020 йилда Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори бўлдим. Ушунда ҳам шахсан Президент қўлдан муқофотини олгандим. Хонадонимиздаги самимий суҳбат эса мени янада руҳлантирди. Энди "Тенгдош тенгдошга" тамойили асосида истеъодларни кашф этишга, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришга ўз ҳиссамни қўшаман. Бунинг учун астойдил ҳаракат қиламан.

амалий ижросини намойиш этдик. Шу пайтгача туманимизда анорни қайта ишлаб сотадиган корхона бўлмаган. Аслида маҳаллий ва хориж бозорларида қайта ишланган табиий анор шарбатига талаб катта ва нархи ҳам шунга яраша қиммат. Шуларни ҳисобга олиб, бу йил анорни қайта ишлаш корхонасини ишга туширдик. Ҳозир катта майдонларда анор етиштиряпмиз, бундан ташқари, аҳолидан ҳам сотиб оламиз. Корхонада 70 киши 8 соат иш давомида 2 тонна анорни қайта ишлаш имконига эга. Тайёр маҳсулот идишларга қадоқланган ҳолда, "Surkhon" бренди билан Европа ва МДҲ мамлакатларига экспорт қилинади.

Бу йил иссиқхонада ҳосил мўл. Маҳалла хотин-қизларининг бўлғор қалампир, помидор, бодринг ва қовунларни саралаб, қўли-қўлига теғмайди. Ай-тишларча, полиз маҳсулотлари Россияга ва Европага жўнатиш учун тайёрланмоқда.

Шерободнинг ҳар бир маҳалласида иш қизғин. Ишсиз, камбағал аҳолининг ўзи йўқ. Бу манзара, беихтиёр "Деҳқоннинг хазинаси — ер, қалити — тер", деган мақол ёдга тушади.

Сурхондарёнинг Шеробод тумани мазали, ҳосилдор анорлари билан дунёга танилган. Бу ерда дуч келган хонадонга кирсангиз, яшнаб турган анорзорни кўрасиз. Маълумотларга кўра, туманда 5 мингдан зиёд аҳоли анор етиштириш билан шуғулланади. Шу орқали рўзғори бут, турмуши фаровон, бугуни ва эртасидан кўнгли тўқ.



Давлатимиз раҳбари маҳалла раиси — ислохотчи бўлиши керак, деб кўп такрорлайди. Бу тамойилнинг замирида катта



Деҳқоннинг хазинаси — ер

бунёдкорлик кучи борлигини тобора чуқуროқ англаб бораётиб. Шу ташаббусдан руҳланиб, маҳаллада тадбиркорлик ҳаракатини бошладик.

Икки йил олдин маҳаллада ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектлари, хатто оддийгина ошхона, сартарошхона йўқ эди. Одамлар рўзғорга бозорлик қилиш учун туман марказига боришга мажбур бўларди. Бугун ҳаммаси ўзимизда. Иккита новвойхона, иккита сартарошхона, бешта умумий овқатланиш шохобчаси очилди.

Томорқасидаги анорнинг ўзидан 100 миллион сўм даромад топаётган одамларимиз кўп. Ўзимдан мисол, ўтган йили 130 миллион сўмга анор сотдик. Шунинг орқасидан машиналар оляпмиз, тўйлар қилляпти.

Ўтган йили Шеробод туманида "Шеробод агро импекс" масъулияти чекланган жамияти-

га қарашли замонавий иссиқхона ишга тушган эди. Бугун бу ерда 200 иш ўрни яратилган. 29 гектарлик лойиҳаларни таъминот қилган эдик, — дейди "Шеробод агро импекс" МЧЖ директори Дилшодбек Қамбаров. — Ушунда Президентимиз мажмуани замонавий тамойилларни ҳисобга олиб, узқини қўлаб қуриш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Бу галги ташрифида ана шу топшириқларнинг

қарашли замонавий иссиқхона ишга тушган эди. Бугун бу ерда 200 иш ўрни яратилган. 29 гектарлик лойиҳаларни таъминот қилган эдик, — дейди "Шеробод агро импекс" МЧЖ директори Дилшодбек Қамбаров. — Ушунда Президентимиз мажмуани замонавий тамойилларни ҳисобга олиб, узқини қўлаб қуриш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Бу галги ташрифида ана шу топшириқларнинг

